Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5231500 – Баҳолаш иши*
**бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 744
"25" 08 2018 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти;
- Ўзбекистон Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 201_ йил «___» ___________ даги ____ - сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5231500 – Баҳолаш иши*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.........................................** | **4** |
| | | |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................ | 4 |
| | | |
| 1.2. | *5231500 – Баҳолаш иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ........... | 4 |
| | | |
| **2.** | ***5231500 – Баҳолаш иши*** **бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .........................................** | **6** |
| | | |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................ | 6 |
| | | |
| 2.2. | *5231500 – Баҳолаш иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ........................................................................ | 6 |
| | | |
| **3.** | ***5231500 – Баҳолаш иши*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ..............................................................** | **7** |
| | | |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................ | 7 |
| | | |
| 3.2 | *5231500 – Баҳолаш иши* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар………… | 8 |
| | | |
| 3.3. | *5231500 – Баҳолаш иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ........................................................ | 11 |
| | | |

## 1. *5231500 – Баҳолаш иши* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

*5231500 – Баҳолаш иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5231500 – Баҳолаш иши*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5231500 – Баҳолаш иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5231500 – Баҳолаш иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5231500 – Баҳолаш иши*** бакалавриат таълим йўналиши – иқтисод соҳасидаги йўналиш бўлиб, у турли хил мулк қийматини баҳолаш жарёнларида қўлланиладиган ёндашув, усул ва воситалар мажмуини қамраб олади.

**1.2.2. *5231500 - Баҳолаш иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва худудий бошқармалари;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий бошқармалари;
- Ўзбекистон Республика Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси;
- Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти;
- тижорат банклари;
- турли мулкчилик шаклидаги корхоналар;
- компаниялар, консалтинг фирмалари;
- ахборот ва рейтинг агентликлари;
- товар ва хом ашё бозорлари;
- баҳолаш компаниялар;
- иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари.

***1.2.3. 5231500 – Баҳолаш иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

*- мулк ва бизнесни ҳамда интеллектуал мулкни, уларга эгалик ва бошқа ҳуқуқлар қийматини баҳолаш, таҳлили, экспертизаси, баҳолаш ҳисоботини тузиш ва уларнинг барчаси бўйича маслаҳатлар бериш ва бошқалар;*

*- баҳолаш фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш, таҳлил қилиш, прогнозлаштириш, самарали юритиш, қайта ташкил этиш ва ривожлантириш, баҳоловчи этикаси ва этикетига риоя қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва юритиш, лойиҳаларни тузиш ва амалга ошириш, ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тайёрлаш ва бошқалар.*

**1.2.3. *5231500 – Баҳолаш иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *молиявий-иқтисодий;*
- *ҳисоб, таҳлил ва назорат;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *Педагогик фаолият (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5231500 – Баҳолаш иши*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

***5А231501 – Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)*** ҳамда иктисодиёт соҳаларини қамраб олувчи бошқа магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишни давом эттириши мумкин. Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

**2.** ***5231500 – Баҳолаш иши*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар, уларнинг ривожланиши ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши ва билимларни эгаллаши ҳамда улардан ҳаётда ва ўз касбий фаолиятида фойдалана олиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаши, ўз касбий фаолиятида қарорларни мустақил қабул қила олиши;
- янги билимларни мустақил эгаллаши ва ривожлантириши, ўз фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзига амал қилиш тассаввури ҳамда эътиқодига *эга бўлиши лозим*.

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2.** ***5231500 – Баҳолаш иши*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- баҳолаш ишига оид Ўзбекистон Республикаси қонун талаблари: “Ўзбекистон Республикаси баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонундан фойдалана олиши;
- Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандартларидан фойдалана олиши;
- мулк қийматини баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалари ва қоидаларини билиши ва ўз фаолиятида фойдалана олиши;
- мулк қийматини баҳолашнинг холисоналигига ва унинг сифатини оширишга кўмаклашишга қаратилган тартиботларни белгилаши;
- бошланғич дастлабки ахборотга, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига ва материални баён этишга қўйиладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар хил талқин қилинишини истисно этадиган талабларни белгилаши;
- иқтисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаши;
- мулк қийматини баҳолашнинг самарали миллий тизимини шакллантиришга кўмаклашиши;
- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим***.

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

– мулк қийматини баҳолашда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиши;

–иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириши;

–мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиши;

–мулк бозори кўрсаткичиларининг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиши;

–молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаши;

–таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– мулк қийматини баҳолаш ҳақида вазифани белгилаш ва объектни баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

– мулк қийматини баҳолаш объектини идентификация қилиш;

– мулк қийматини баҳолаш бўйича ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;

– мулк қийматини баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;

– мулк қийматини баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;

– мулк қийматини баҳолашда қўлланилган ёндашувлар натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;

– мулк қийматини баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни тузиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

–илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

–интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

–таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

–илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

–маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

–тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

–илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

–умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

### 3. *5231500 – Баҳолаш иш* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5231500 – Баҳолаш иш*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва

узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган, кадр истеъмолчиларнинг ёки бошқа соҳа мутахассисларининг таклифлари асосидаги фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустакил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибига киритилган биринчи 6 та фанга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:**

- ахборот комплекслари, ахборот тизимлари, иқтисодиётда қўлланиладиган дастурий таъминотлар орқали соҳанинг самарадорлигини оширишни тизимли ўрганиш;
- математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганиш;
- иқтисодий жараён ва ҳодисалар ҳақида маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни билиши;
- - иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ва моделлар ёрдамида ўрганиши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки:**

- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий назарий-амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши;
- иқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;
- корпоратив бошқарув тизимида қарорларни қабул қилиш ҳамда микроиқтисодиётнинг асосий категориялари, макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;
- менежмент ва маркетинг асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижросининг назоратини олиб бориши;
- бухгалтерия ҳисоби усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

- аудиторлик текширувини ўтказиш усулларини билиши ҳамда аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини тузиши;

- корпоратив молияни бошқариш механизмини билиши, молиявий таъминотни ва инвестиция фаолиятни ташкил этиши, молиявий рискларни бошқариши;

- суғуртанинг мазмун-моҳияти, шакллари, суғурта фаолияти классификатори ва суғуртанинг норматив асослари ҳамда суғурта бозори субъектлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, ҳисоб хужжатлари ва регистрлари ҳамда молиявий ҳисобот тузишни билиши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки:**

- соҳа бўйича махсус билимларни, касбий фаолият кўникмалари ва малакаларини шакллантириши;
- баҳолаш фаолиятига оид қонунчиликни билиши;
- баҳолаш фаолиятига оид стандартларни ўрганиши;
- турли мулклар қийматини баҳолаш ва уларнинг амалга ошириш механизмини билиши;
- баҳолаш ишининг ўзига хос хусусиятларидан ва йўналишларидан (кўчар ва кўчмас мулк, интеллектуал мулк) хабардор бўлиши;
- баҳолаш ҳисоботларини ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни билиши;
- бухгалтерия ҳисобининг дастурий таъминотлари ва улар билан ишлаш, ҳисоботларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлиши;
- молиянинг мазмун-моҳияти, молиявий муносабатларни самарали ташкил этишнинг назарий-амалий жиҳатлари, молиявий назорат ва молиявий рискларни бошқариш усулларини билиши;
- пул ва банк назарияси, амалиёти ва тадрижий ривожланиш босқичлари ҳамда истиқболини марказий банк ва тижорат банкларининг функционал мақсади ва ташкилий тузилишини билиши, актив ва пассив банк операцияларини қўллай олиши;
- инвестиция ва инновация жараёнларининг босқичлари, инвестиция муҳити ва инвестиция сиёсатининг хусусиятлари, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, инновация ва инновация фаолиятини бошқариш ҳамда лойиҳаларини молиялаштириш кўникмасига эга бўлиши;
- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки**

- таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;
- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва иқтисодий жараёнлар жадал ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соха мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5231500 – Баҳолаш иши* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.**

*5231500 – Баҳолаш иши* бакалавриат таълим йўналишлари малакавий амалиёт қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқув-танишув;
- ишлаб чиқариш;

- битирув олди.

**Ўкув-танишув амалиёти** - талабаларни иқтисодиётда фаолият юритаётган профессионал баҳоловчи ташкилотлар ва уларнинг фаолияти билан умумий тарзда таништириш мақсадида амалга оширилади. Баҳолаш компаниялари томонидан мулк қийматини профессионал баҳолаш хизматлари бозорида фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бунда:

- баҳолаш фаолиятини давлат ва ўз ўзини тартибга солиш органлари томонидан тартибга солиш амалиёти билан танишиш;
- бизнес субъекти сифатида баҳолаш ташкилотлари иш фаолиятини ташкил этиш, ишни юритиш амалиёти билан танишиш, бошқариш ҳамда мулк қийматини профессионал баҳолаш хизматлари бозорини ўрганиш амалиёти билан танишиш;
- баҳоловчилар малакаси ва касбий маҳоратининг қониқарли даражадалиги, шунингдек, турли объектлар қийматини баҳолашнинг алоҳида шартларини ҳамда уларнинг ютуқларини рағбатлантиришни ҳисобга оладиган баҳоловчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими билан танишиш;
- баҳолашга ягона ёндашувни ва бозор конъюнктурасини ҳисобга олишни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарт (МБМС)лари билан танишиш;
- баҳолаш ёндашувлари ва усулларини ўрганиш, ўзлаштирган назарий билимларини амалиёт билан узвий боғлиқликда чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш кўникмаларини шакллантириш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

**Ишлаб чиқариш амалиёти** - мутахассислик фанларидан ўтказилиб, талабаларни бевосита баҳолаш ташкилотлари ва мулк қийматини профессионал баҳолаш хизматлари бозорида фаолият юритиш соҳасида мустақил ишлашга тайёрлаш мақсадида ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустахкамлайди.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

- баҳолаш фаолияти ва мулк қийматини профессионал баҳолаш хизматлари бозори секторининг меъёрий-ҳуқуқий ва қонуний хужжатларини;
- Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётида бизнес ва тадбиркорликнинг ролини ва аҳамиятини, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва вазифаларини;
- баҳолаш фаолиятида тегишли Ўзбекистон Республикаси МБМС ва баҳолаш ёндашувлари асосида мулк объекти қийматини баҳолаш, баҳолаш ҳақидаги ҳисоботларни сифатли расмийлаштириш амалиёти кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

**Битирув олди амалиётида** талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича илмий-назарий ишланмаларни ўрганиш жараёнида орттирган тадқиқ манбаларини амалий, статистик маълумотлар билан асослаши, инновацион иқтисодиёт ривожланиши шароитида соҳа муаммоларини аниқлаши ҳамда уларнинг аниқ ечимини ишлаб чиқиш кўникмасини орттириши, битирув малакавий иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантириши назарда тутилган.

Бунда:

- битирувчини бевосита малака талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш;
- ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- жамоада ташкилотчилик ва раҳбарлик тажрибасини орттириш;
- иқтисодиёт субъектларида профессионал баҳолаш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий-амалий фаолият орқали баҳолаш фаолиятига оид иқтисодий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан зарур кўникмалар шакллантирилади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўқув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якунида талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича

ҳисобот тайёрлайди ҳамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни ҳимоя қилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битирувчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битирув малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қуйидаги шарт-шароит таъминланиши керак:

- илмий ишларнинг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- кадр тайёрловчи факультет(кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш;
- ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш;
- талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

**Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар:**

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини инобатга олган ҳолда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишида бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади ҳамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битирув малакавий иши малака талабида белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, хажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

**3.3. *5231500 – Баҳолаш иш* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим - 58,8 %;
- аттестация - 8,8 %;
- таътил - 15,7 %;
- малака амалиёти - 14,7%;
- битирув малакавий иши - 2%.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки - 25,64 %;
- Умумкасбий фанлар блоки - 40,28 %;
- Ихтисослик фанлар блоки - 28,83 %;
- Қўшимча фанлар 5,25 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-9 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

баҳолаш, мулк, мулк қиймати, мулк экспертизаси, мулк ва уни баҳолаш хизматлари бозори, мулкка эгалик ва бошқа ҳуқуқлар, мулкий комплекс, кластер, қиймат, баҳо ва нарх, турли мулк объектлари қийматини баҳолаш, баҳолашнинг методологик асослари ва механизми, баҳолаш иши ва унинг асослари, баҳолаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш (тартиблаштириш), кўчмас мулк қийматини баҳолаш, кўчар мулк қийматини баҳолаш, бизнес қийматини баҳолаш, номоддий активлар қийматини баҳолаш, интеллектуал мулк қийматини баҳолаш, қимматли қоғозлар қийматини баҳолаш, баҳолаш ёндашувлари ва усуллари, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент молия институти**

**Ректор____________ проф.Н.Х.Хайдаров**

2018 йил «_____» ______________

М.Ў.

**Баҳоловчи ташкилотлар Ассоциацияси**

**Раиси____________ О.Т.Исламов**

2018 йил «_____» _________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини**
**Ривожлантириш маркази**

**Директор____________проф. Б.Ҳ.Раҳимов**

2018 йил «_____» _________

М.Ў.

**МЧЖ "VALUATION" баҳолаш компанияси**

**Директори Р.О.Абдиёзов**

2018 йил «____» ____________

М.Ў.

**Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси**

**Ижрочи директори А.Г.Алиев**

2018 йил «____» ____________

М.Ў.

**МЧЖ "LIDER KONSALT SERVIS" баҳолаш компанияси**

**Директори А.С.Усманов**

2018 йил «_____» ____________

М.Ў.

**МЧЖ "EXPERT ESTIMATE" баҳолаш компанияси**

**Директори Б.К.Каримов**

2018 йил «_____» ____________

М.Ў.

**Баҳоловчи ташкилотлар Ассоциацияси, Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси, МЧЖ “LIDER KONSALT SERVIS”, МЧЖ “VALUATION”,МЧЖ “EXPERT ESTIMATE” баҳолаш компаниялари томонидан тақдим этилаётган 5231500-“Баҳолаш иши” бакалавриат таълим йўналиши учун янгидан яратилаётган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари**

| т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)* | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| 1 | 5231500 | Баҳолаш иши | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>- баҳолаш ишига оид Ўзбекистон Республикаси қонун талаблари: “Ўзбекистон Республикаси баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонундан фойдалана олиши;<br>- Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандартларидан фойдалана олиши;<br>- мулклар қийматини баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалари ва қоидаларини билиши ва ўз фаолиятида фойдалана олиши;<br>- мулк қийматини баҳолашнинг холисоналигига ва унинг сифатини оширишга кўмаклашишга қаратилган тартиботларни белгилаши;<br>- бошланғич дастлабки ахборотга, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига ва материални баён этишга қўйиладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар хил талқин қилинишини истисно этадиган талабларни белгилаши;<br>- мулк қийматини баҳолашнинг самарали миллий тизимини шакллантиришга кўмаклашиши;<br>- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқа олиши;<br>– мулк қийматини баҳолашда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиши;<br>– иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириши;<br>– мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиши;<br>– мулк бозори кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиши; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | – таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдалана олиши;<br>– мулк қийматини баҳолаш ҳақида вазифани белгилаш ва объектни баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;<br>– мулк қийматини баҳолаш объектини идентификация қилиш;<br>– мулк қийматини баҳолаш бўйича ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;<br>– мулк қийматини баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;<br>– мулк қийматини баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;<br>– мулк қийматини баҳолашда қўлланилган ёндашувлар натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;<br>– мулк қийматини баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни тузиш қобилиятига эга бўлиши керак;<br>– буюртмачи ва баҳоловчи ташкилот ўртасида тузилган шартномага мувофиқ баҳолаш объектини қийматини аниқлаш;<br>– мулк қийматини баҳолаш объекти маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш;<br>– тўпланган маълумотлар асосида баҳолаш ёндашувини танлаш ва қўллаш;<br>– баҳолаш ёндашувларини қўллаган ҳолда, баҳолаш объектини қийматини аниқлаб, якуний ҳисоботни тузиш қобилиятларига эга бўлиши лозим. |

**Баҳоловчи ташкилотлар Ассоциацияси раиси** **О.Т.Исламов**

**Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси ижрочи директори** **А.Г.Алиев**

**МЧЖ “LIDER KONSALT SERVIS” баҳолаш компанияси директори** **А.С.Усманов**

**МЧЖ “VALUATION” баҳолаш компанияси директори** **Р.О.Абдиёзов**

**МЧЖ “EXPERT ESTIMATE” баҳолаш компанияси директори** **Б.К.Каримов**

**Тошкент молия институти**
**ўқув ишлари бўйича проректор** **И.Қўзиев**

**Тошкент молия институтининг *“5231500 – Баҳолаш иши”* бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент шаҳри** **“___”__________201__ й.**

Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси раиси О.Т.Исламов, Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси ижрочи директори А.Г.Алиев, МЧЖ “LIDER KONSALT SERVIS” баҳолаш компанияси директори А.С.Усманов, МЧЖ “VALUATION” баҳолаш компанияси директори Р.О.Абдиёзов, МЧЖ “EXPERT ESTIMATE” баҳолаш компанияси директори Б.К.Каримов, ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори И.Н.Қўзиев, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. *“5231500 – Баҳолаш иши”* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон Қарорлари, 2018 йил 1 июндаги “Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3764-сонда ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 22 майдаги 328-сонли, 26 майдаги 344-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 3 июндаги 365-сонли, 5 июндаги 369- ва 371-сонли, 16 июндаги 399- ва 404-сонли, 19 июндаги 407-сонли, 7 июлдаги 458-сонли ва 10 июлдаги 460-сонли буйруқларига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. *“5231500 – Баҳолаш иши”* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқишда Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси, МЧЖ “VALUATION”, МЧЖ “LIDER KONSALT SERVIS”, МЧЖ “EXPERT ESTIMATE” каби баҳолаш компаниялари мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. *“5231500 – Баҳолаш иши”* бакалавриат таълим йўналиши кадрлар истеъмолчилари – Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси, МЧЖ “VALUATION”, МЧЖ “LIDER KONSALT SERVIS”, МЧЖ “EXPERT ESTIMATE” каби баҳолаш компаниялари мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида, Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Риэлторлик ташкилотлари

уюшмаси, МЧЖ “VALUATION”, МЧЖ “LIDER KONSALT SERVIS”, МЧЖ “EXPERT ESTIMATE” каби баҳолаш компаниялари мутахассисларининг таклифлари “*5231500 – Баҳолаш иши*” бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби ва ўқув режасини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаблари ва ўқув режаларини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси раиси**

**О.Т.Исламов**

**Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори**

**И.Н.Қўзиев**

**Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси ижрочи директори**

**А.Г.Алиев**

**МЧЖ “LIDER KONSALT SERVIS” баҳолаш компанияси директори**

**А.С.Усманов**

**МЧЖ “VALUATION” баҳолаш компанияси директори**

**Р.О.Абдиёзов**

**МЧЖ “EXPERT ESTIMATE” баҳолаш компанияси директори**

**Б.К.Каримов**

**Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг «Иқтисод» Ўқув-услубий бирлашмаси 5 –сонли баённомасидан**

**КЎЧИРМА**

2018 йил " 7 " июль Тошкент шаҳри

**Қатнашдилар:** проф. Б.Ю.Ходиев - раис, Н.Хайдаров, Г.Захидов, Ш.Мусафакулов, Н.Қўзиев, Б.Усманов-масъул котиб, Д.Ахмедов, А.Каримов, З.Адилова, Б.Умирзоков, Ш.Эргашхўжаева, З.Мукумов, Н. Йўлдошев, А. Кучаров, А. Жўраев, Т.Маликов, А. Омонов, А. Каримов, Р. Холбеков, З. Умаров, М. Аскаров, Л. Зойиров, А. Аюбжонов, Н.Абдурахмонов, Г.Абдурахмонова, А. Тўйчиев, Б. Маматов, Т. Баймуратов, Б. Хажиев, Н.Хотамов, С.Худойкулов, Ф.Насриддинов, Н. Исмоилова, М. Аманбоев, Г. Мелибоева

**К У Н  Т А Р Т И Б И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III қисми, 2018 йил 4 июндаги "2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли Қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ва 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322 сон хати ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамаси.

**Э Ш И Т И Л Д И :**

**проф. Б.Ю.Ходиев** Ўқув-услубий бирлашма раиси. Мамлакатимизда қабул қилинган "Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш мақсадида иқтисодий- ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам узвий ислоҳотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таълим йўналишлари

(мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуктаи назаридан унификацияланди ва ўқув режаларидаги фан блоклари яхлитланди, фанлар таркиби ўзаро мувофиқлаштирилди. Шундан келиб чиқиб, таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида махсус ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим йўналиш (мутахассислик) ларининг малака талаблари ва ўқув режалари янгидан ишлаб чиқилган. Уларга кадрлар истеъмолчилари, вазирлик ва идоралар, турдош олий таълим муасссаларидан тақризлар олинган.

Мухтарам йиғилиш иштирокчилари, Сизлардан ушбу тайёрланган бакалавриат таълим йўналиш (магистратура мутахассислик) ларининг малака талаблари ва ўқув режаларини атрофлича муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:**

1. **Проф. Н.Хайдаров** – Ўқув-услубий бирлашма аъзоси. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, инновацион ривожланиш шароитида иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви жараёнида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига жадал жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълимнинг норматив ҳужжатлари, хусусан, таълим йўналиш(магистратура мутахассислик)ларининг малака талаблари ва ўқув режаларини халқаро амалиётнинг академик стандартлари билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор каратилган.

Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда иқтисодиётда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, олий таълим муассаларида замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур назарий билим ҳамда амалий кўникмаларни пухта эгаллаган, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга мўлжалланган. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни маъқуллайман ва тасдиқлашларингизни сўрайман.

2. **проф. А.Кучаров, проф. А.Жўраев, доц.Б.Маматов, доц.А.Омонов ва бошқа ўқув-услубий бирлашма аъзолари** ҳам сўзга чиқиб, Тошкент молия институти етакчилигида турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда кадрлар буюртмачилари иштирокида ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари белгиланган талаблар асосида тайёрланган, уларда иқтисодиётнинг соҳаларидаги ислоҳотлар инобатга олинганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, таянч ОТМ сифатида Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини тасдиқлаш учун тавсия этдилар.

3. **Доц. Б.Усманов** – Ўқув-услубий бирлашма котиби. Тошкент молия институти етакчилигида турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирокида ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган. Уларни ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари инобатга олинган. Шунга кўра,

муҳокамага қўйилган бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалар ини маъқуллаш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари) нинг янгиланган Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини "Иқтисод" ўқув-услубий бирлашмасида кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| Т/р | Бакалавриат таълим йўналиши ва мутахассислик номи | | Бакалавриат таълим йўналиши 5-босқич | Магистратура мутахассис-ликлари 5А-босқич |
|---|---|---|---|---|
| 1 | **Таълим йўналиши:** | **Молия** | **5230600** | |
| | Мутахассислик: | Давлат молиясини бошқариш | | 5А230601 |
| | | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича) | | 5А230602 |
| | | Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | | 5А230603 |
| | | Халқаро молия | | 5А230604 |
| 2 | **Таълим йўналиши:** | **Банк иши** | **5230700** | |
| | Мутахассислик: | Банк иши (фаолият турлари бўйича) | | 5А230701 |
| | | Банк ҳисоби ва аудит | | 5А230702 |
| 3 | **Таълим йўналиши:** | **Солиқлар ва солиққа тортиш** | **5230800** | |
| 4 | **Таълим йўналиши:** | **Бухгалтерия ҳисоби ва аудит(тармоқлар бўйича)** | **5230900** | |
| | Мутахассислик: | Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | | 5А230901 |
| | | Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | | 5А230902 |
| | | Бюджет ҳисоби ва назорати | | 5А230903 |
| 5 | **Таълим йўналиши:** | **Суғурта иши** | **5231200** | |
| | Мутахассислик: | Суғурта иши | | 5А231201 |
| 6 | **Таълим йўналиши:** | **Пенсия иши** | **5231300** | |
| | Мутахассислик: | Пенсия иши | | 5А231301 |
| 7 | **Таълим йўналиши:** | **Баҳолаш иши** | **5231500** | |
| | Мутахассислик: | Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича) | | 5А231501 |
| 8 | **Таълим йўналиши:** | **Давлат бюджетининг ғазна ижроси** | **5232000** | |
| 9 | **Таълим йўналиши:** | **Корпоратив молия** | **5232100** | |
| 10 | **Таълим йўналиши:** | **Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш** | **5232700** | |
| 11 | **Таълим йўналиши:** | **Электрон тижорат** | **5232800** | |
| | ***Жами: 23 (11/12) та малака талаблари ва ўқув режалари*** | | | |

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Таянч ОТМ сифатида Тошкент молия институти томонидан кадрлар истеъмолчилари ва турдош олий таълим муассасалари вакилларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" қарори меъёрлари ва Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда асосий иш берувчи субъектлар ва илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилгани эътироф этилсин.

3. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида кўрсатилган фанларнинг услубий таъминоти ўрганиб чиқилсин.

4. Малака талаблари ва ўқув режалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, фанларнинг услубий таъминотини яратишда экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар инобатга олинсин.

5. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлатишга тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этилсин.

**Йиғилиш раиси** **Б. Ю. Ходиев**

**Масъул котиб** **Б. Б. Усмонов**

**Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган**
***5231500 – "Баҳолаш иши"* таълим йўналишининг малака талабларига**

# ТУШУНТИРИШ ХАТИ

1. Мазкур *5231500 – "Баҳолаш иши"* таълим йўналишининг малака талаблари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсади, вазифалари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган. Малака талаблари таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишга, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек, таълим-тарбияга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини мукаммал амалга оширилишига қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сон Қарорлари, 2018 йил 1 июндаги "Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3764-сонда ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 22 майдаги 328-сонли, 26 майдаги 344-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 3 июндаги 365-сонли, 5 июндаги 369- ва 371-сонли, 16 июндаги 399- ва 404-сонли, 19 июндаги 407-сонли, 7 июлдаги 458-сонли ва 10 июлдаги 460-сонли буйруқларини ижросини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган

2. Малака талаблари дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари, шу жумладан: таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи; таълимнинг инсонпарварлашуви, инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви; таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш; таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва

бойитиш, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги; иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобга олинди.

3. Малака талаблари асосида таълим олувчиларда аудит соҳасида чуқур билим, ижодий қобилиятни намоён этиш, мустақил фикрлаш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб бориш ҳамда юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

4. Мазкур *5231500 – "Баҳолаш иши"* таълим йўналишининг малака талаблари халқаро тажриба, кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий ишланмаларни яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувваш, фаннинг ривожланиш даражаси ва илғор ютуқлари, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кадрларга нисбатан амалиётда қўйиладиган талаблар, олий таълимни жаҳон тенденциясидаги ривожланган мамлакатларнинг билан қиёсий таққослаш асосида ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган.

5. Таълим турлари ва босқичлари бўйича мутахассислик малака талабларининг келишилганлиги ва изчиллиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги, таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди. Хусусан, *5231500 – "Баҳолаш иши"* таълим йўналиши учун малака талаблари ва ўқув режаларида кадрлар истеъмолчилари сифатида Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси, МЧЖ "VALUATION", МЧЖ "LIDER KONSALT SERVIS", МЧЖ "EXPERT ESTIMATE" каби баҳолаш компаниялари мутахассислари таклифлари асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

6. Ўқув юкламаси оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш; таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш ҳисобга олинди.

7.Таълим олувчиларни тайёрлашда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар

тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди.

8. Малака талабларининг технологиклиги – унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, Мазкур *5231500 – “Баҳолаш иши”* таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

9.Мазкур *5231500 – “Баҳолаш иши”* таълим йўналишининг малака талабларига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти (фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграцияни таъминлаш, таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириш) фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

10.*5231500 – “Баҳолаш иши”* таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими ва “Иқтисод” таълим сохасининг Давлат таълим стандарти (Ўзстандарт агентлиги, 30.10.2015 й, № 5927) қоидалари талабларига, шу жумладан, стандартлаштиришнинг асосий мақсадларига, республикада стандартлашга доир ишларни мақбул даражада ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш функциясига, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талабларига тўлиқ мос келади.

**“Баҳолаш иши ва инвестициялар” кафедраси мудири и.ф.н.** **Л.Зойиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... TOSHKENT MOLIYA VA O'RTA MAXSUS TA'LIM ... INSTITUTI * KADRLAR BO'LIMI

## *5231500 – Баҳолаш иши* таълим йўналиши бўйича малака талабининг халқаро микёсидаги бошқа таълим стандартлари билан киёсий таққослаш

## Бакалавриатурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (Бакалавриатура) | Америка Қўшма Штатлари BS in Real Estate дастури New York University, School of Professional Studies | Америка Қўшма Штатлари BS in Real Estate Property Management дастури University of Wisconsin |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Бошланиши** | Ўрта таълимдандан сўнг | Ўрта таълимдандан сўнг | Ўрта таълимдандан сўнг |
| 2. | **Давомийлиги** | 4 йил | 108 кредит соати | 120 кредит соати |
| 3. | **Таълим олувчилар сони** | 1 - (талабга мувофик) | 1 - (талабга мувофик) | 1 - (талабга мувофик) |
| 4. | **Ўтиш жойлари** | Тошкент молия институти | НьюЙорк университети, профессионал тадкиқодлар мактаби | Висконсин университети |
| 5. | **Таълим берувчилар** | Мос йўналиш бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар (шунингдек, ишлаб чиқаришдан малакали мутахассислар таклиф этилиши мумкин) | Мос йўналиш бўйича илмий даражага ва магистр даражасига эга бўлган етакчи мутахассислар | Висконсин университети профессор-ўқитувчилари |
| 6. | **Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш** | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Факультет - тайёрлаш кафедраси мудири, таълим берувчи ўқитувчилар, талаба | Нью Йорк университети, профессионал тадкиқодлар мактаби, профессор-ўқитувчилар, талаба | Жоржтовн университети тадқиқодлар мактаби, профессор-ўқитувчилар, талаба |

## Бакалавриатура таълим йўналишида таълим жараёнининг таркиби

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Америка Қўшма Штатлари BS in Real Estate дастури New York University, School of Professional Studies | Америка Қўшма Штатлари BS in Real Estate Property Management дастури University of Wisconsin |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Назарий таълим | Ўқув режада белгиланган соатлар ва намунавий ўқув дастуридаги мавзулар бўйича ўтказилади | Таълим жараёнида мажбурий ва танлов фанлари “кредит”лар тарзида белгиланган | Таълим жараёнида мажбурий ва танлов фанлари “кредит”лар тарзида белгиланган |
| 2. | Амалий таълим | Ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар бўйича | | |
| 3. | Илмий – тадқиқот ишлари | Талабалар танлаган мавзуси бўйича диссертация ишини амалий маълумотлар асосида амалга оширади. Кафедра ёки бошқа ишлаб чиқариш муассасалари ходимлари илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштрок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар. Бундан ташқари улар таълим жараёнида педагогик иш билан машғул бўладилар | 8 семестр бошида талабалар шахсий лойиҳаларини бажаришни бошлайди | Тадқиқотни бажаришга тўлиқ курсни ўтаган талабаларга рухсат этилади. Тадқиқотни Жоржтовн университети, тадқиқодлар мактаби профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида бажарилади. Битирув малакавий иш компанияда ўтаган амалиёт натижаларига ёки университет шаҳарчасида амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланиши мумкин. |
| 4. | Мустақил таълим | Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | Мустақил таълим алоҳида назарда тутилмаган. Чунки бу таълим “кредит”лар тарзида амалга оширилади | Мустақил таълим алоҳида назарда тутилмаган. Чунки бу таълим “кредит”лар тарзида амалга оширилади |
| 5. | Таълим жараёнида баҳолаш | Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриатура рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон | Лойиҳаларни ҳимоя қилиш орқали курс якунланади. Узлуксиз баҳолаш тизими назарда тутилмаган. | Таълим жараёни тест асосида назорат килиб борилади. Тест синовлари 3 соат 30 дақиқа давом этади. Биринчи 90 дақиқада иқтисодиёт бўйича элементар билимлар текширилади. 30 дақиқалик танафусдан сўнг чизиқли алгебра, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади. | | эҳтимоллар назарияси ва статистика бўйича элементар билимлар текширилади. Тестлар инглиз тилида ўтказилади. Тест синовлари танланма асосида ўтказилмайди. |

## Бакалавриатура таълим йўналишида таълим жараёнининг мазмуни ва давомийлиги

| **Ўзбекистон Республикаси Тошкент молия институти**<br><br>***5231500 – Баҳолаш иши*** **таълим йўналиши** | **Муддати** | **Америка Қўшма Штатлари BS in Real Estate дастури**<br>New York University, School of Professional Studies | **Муддати** | **Америка Қўшма Штатлари BS in Real Estate Property Management дастури**<br>University of Wisconsin | **Муддати** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Фуқаролик жамияти<br>2. Фалсафа<br>3. Диншунослик<br>4. Ўзбек (рус) тили<br>5. Хорижий тил<br>6. Жисмоний тарбия ва спорт*<br>7. Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари<br>8. Иқтисодчилар учун математика<br>9. Статистика<br>10. Эконометрика<br>11. Танлов фанлари<br>12. Иқтисодиёт назарияси<br>13. Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт<br>14. Менежмент. Маркетинг<br>15. Молиявий ва бошқарув ҳисоби<br>16. Молиявий таҳлил<br>17. Аудит<br>18. Солиқлар ва солиққа тортиш<br>19. Суғурта назарияси ва амалиёти<br>20. Молия бозори<br>21. Танлов фанлар<br>22. Баҳолаш иши<br>23. Баҳолаш фаолиятини тартиблаштириш<br>24. Баҳолаш фаолиятининг | 18 ҳафта<br>18 ҳафта<br>18 ҳафта<br>36 ҳафта<br>72 ҳафта<br>18 ҳафта<br>18 ҳафта<br>36 ҳафта<br>36 ҳафта<br>36 ҳафта<br>18 ҳафта<br>32 ҳафта<br>36 ҳафта<br>36 ҳафта<br>18 ҳафта<br>36 ҳафта<br>32 ҳафта<br>22 ҳафта<br>32 ҳафта<br>32 ҳафта<br>12 ҳафта<br>34 ҳафта<br>90 ҳафта<br>28 ҳафта<br>22 ҳафта | **Мажбурий курслар 108 та кредитни ташкил этади:**<br>1. Академик ёзув, 10 кредит<br>2. Танқидий фикрлаш, 4 кредит<br>3. Математик фикр, 4 кредит<br>4. Экологик барқаролик, 4 кредит<br>5. Америка тажрибаси, 4 кредит<br>6. Классик ва ўрта аср даври, 4 кредит<br>7. Замонавий давр, 4 кредит<br>8. Уйғониш даври, 4 кредит<br>9. Уйғониш даври тўнтарилиши, 4 кредит<br>10. Бизнес ва иқтисодиётга тадбиқ, 4 кредит<br>11. Макроиқтисодиётга кириш, 4 кредит<br>12. Микроиқтисодиётга кириш, 4 кредит<br>13. Статистик методлар, 4 кредит<br>14. Бизнесни ташкил қилиш ва бошқариш, 4 кредит<br>15. Халқаро миқёсда кўчмас мулк бозорларини таққослаш, 4 кредит<br>16. Кўчмас мулк бозори таҳлили, 4 кредит<br>17. Келажак метрополиси, 4 кредит<br>18. Кўчмас мулк ҳисоби ва уни солиққа тортиш, 4 кредит<br>19. Кўчмас мулк ва унинг унинг барқарорлиги, 4 кредит<br>20. Кўчмас мулкни ривожлантириш, 4 кредит<br>21. Кўчмас мулк молияси, 4 кредит<br>22. Кўчмас мулк қонунчилиги, 4 кредит<br>23. Кўчмас мулкни баҳолаш тамойиллари, 4 кредит<br>24. Кўчмас мулкни баҳолаш, 4 | | **Мажбурий курслар 120 та кредитни ташкил этади:**<br><br>**Умумтаълим фанлари, умумий 40 кредит**<br>Алоқа кўникмалари, 9 кредит<br>Аналитик билим ва табиий фанлар, 10 кредит<br>Санъат ва гуманитар фанлар, 6 кредит<br>Ижтимоий ва этик фанлар, 6 кредит<br>Замонавий масалалар, 3 кредит<br>Ижтимоий жавобгарлик ва аҳлоқий билим, 3 кредит<br>Умумтаълим танлов фанлари, 3 кредит<br><br>**Асосий талаблар, умумий 61 кредит**<br>Молиявий ҳисобга кириш<br>Корпоратив ва бошқарув ҳисобига кириш<br>Профессионал ва техник мулоқот<br>Истеъмолчи танлови бошқаруви<br>Туризм маркетинги<br>Ижтимоий маркетинг бошқаруви тамойиллари<br>Меҳмондўстлик саноатида қўриқлаш ва риск менежменти<br>Меҳмондўстлик бошқаруви стратегиялари<br>Мулк бошқарувига кириш<br>Меҳмондўстлик ускуналари бошқаруви<br>Мулк бошқарувида этик қарор қабул қилиш | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| дастурий комплекслари<br>25. Хорижий мамлакатларда баҳолаш иши<br>26. Молия<br>27. Пул ва банклар<br>28. Инвестиция ва инновациялар | 18 хафта<br>34 хафта<br>34 хафта<br><br>22 хафта | кредит<br>25. Кўчмас мулкка оид махсус мавзулар, 2 кредит<br>26. Кўчмас мулк бўйича лойиҳа семинари, 4 кредит | Кўчмас мулк бозори таҳлили ва инвестицион таҳлил<br>Кўчмас мулк тамойиллари<br>Мулкни бошқариш тамойиллари<br>Тижорат мулки тараққиёти ва бошқаруви<br>Тижорат мулкида маркетинг ва лизинг<br>Кўчмас мулкни баҳолаш<br>Кўчмас мулк қонунчилиги<br>Инновацион таълим амалиёти<br>Мулкни бошқариш бўйича семинар<br>Инсон ресурслврини бошқариш<br><br>**Концентрация, умумий 19 кредит**<br>**Талаба куйидаги 3 та концентрациядан бирини танлаши керак**<br>1. - Архитектура графиклари<br>- Ёруғлик методлари ва материаллари<br>- Қурилиш иктисодиётига йўналиш<br>- Қишлоқ хўжалиги технологияси<br>- Бино механика тизимлари<br>- Қурилишни баҳолаш<br>2. - Уй-жой тизимлари<br>- Курортларни режалаштириш ва фаолият олиб бориш<br>- Уй-жойлар фаолиятлари бошқаруви<br>- Даврийлик менежменти тамойиллари<br>- Фойда бошқаруви<br>- Уй-жойлар бошқаруви<br>3. - Чакана савдо ва менежментга кириш<br>- Асосий чакана савда<br>- Тренд йўналиши ва прогн<br>- Чакана савдони режалаштириш ва назорат қилиш<br>- Дўкон бошқаруви<br>- Чакана савдони қўллаб қувватлаш<br>- Жорий чакана савдо стратегиялари |

**"Баҳолаш иши ва инвестициялар" кафедраси мудири** **и.ф.н. Л. Зойиров**

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1868** | **28,83** | **988** | **494** | **494** | | | **5к** | **880** | | | **4** | **12** | **16** | **8** | **20** | **14** | |
| 3.01 | Баҳолаш иши | 638 | | 336 | 168 | 168 | | | 2к | *302* | | | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | БаҳоИ |
| 3.02 | Баҳолаш фаолиятини тартиблаштириш | 196 | | 104 | 52 | 52 | | | 1к | 92 | | | | | | 4 | 4 | | БаҳоИ |
| 3.03 | Баҳолаш фаолиятининг дастурий комплекслари | 90 | | 48 | 24 | 24 | | | | 42 | | | | | | | 4 | | БаҳоИ |
| 3.04 | Хорижий мамлакатларда баҳолаш иши | 128 | | 68 | 34 | 34 | | | 1к | 60 | | | | | | | 4 | 2 | БаҳоИ |
| 3.05 | Молия | 228 | | 120 | 60 | 60 | | | | 108 | | | | 4 | 4 | | | | Молия |
| 3.06 | Пул ва банклар | 228 | | 120 | 60 | 60 | | | | 108 | | | | 4 | 4 | | | | БҲА |
| 3.07 | Инвестиция ва инновациялар | 166 | | 88 | 44 | 44 | | | 1к | 78 | | | | | | | 4 | 4 | БаҳоИ |
| *3.08* | *Танлов фанлари* | *194* | | *104* | *52* | *52* | | | | *90* | | | | | *4* | | | *4* | |
| *3.08.01* | *Қурилиш иқтисодиёти*<br>*Бюджет ташкилотларида автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобининг дастурий мажмуаси*<br>*Мулкчилик тизими ва хусусийлаштириш асослари* | *118* | | *64* | *32* | *32* | | | | *54* | | | | | *4* | | | | *БаҳоИ*<br>*Бюд.Ҳ*<br>*БаҳоИ* |
| *3.08.02* | *Қурилиш соҳасида бухгалтерия ҳисоби*<br>*Хизмат кўрсатиш субъектларида бухгалтерия ҳисоби* | *76* | | *40* | *20* | *20* | | | | *36* | | | | | | | | *4* | *БҲ*<br>*БҲ* |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **340** | **5,25** | **204** | **102** | **102** | | | | **136** | **2** | **2** | **2** | | | **4** | | **4** | |
| 4.01 | Махсус курслар | 232 | | 140 | 70 | 70 | | | | 92 | | 2 | 2 | | | 2 | | 4 | |
| 4.01.01 | Касбий фаолият асослари | 60 | | 36 | 18 | 18 | | | | 24 | | 2 | | | | | | | БаҳоИ |
| 4.01.02 | Ҳаёт хавфсизлиги асослари | 60 | | 36 | 18 | 18 | | | | 24 | | | 2 | | | | | | БТ |
| 4.01 | Махсус курслар | 112 | | 68 | 34 | 34 | | | | 44 | | | | | | 2 | | 4 | |
| 4.02 | Бизнес мулокот ва академик ёзув | 60 | | 36 | 18 | 18 | | | | 24 | 2 | | | | | | | | ЎРТ |
| 4.03 | Минтакавий иктисодиёт | 48 | | 28 | 14 | 14 | | | | 20 | | | | | | 2 | | | БТ |
| | ***Жами*** | **6480** | **100,0** | **3600** | **1544** | **1910** | **36** | **110** | **7к** | **2880** | **30** | **30** | **30** | **30** | **30** | **30** | **30** | **30** | |
| | Малакавий амалиёт | 1620 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Битирув малакавий иши | 216 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Аттестациялар | 972 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | ***Жами*** | **2808** | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Хаммаси** | **9288** | | | | | | | | | | | | | | | | | |

**Изох:**

1. Мазкур ишчи ўкув режага асосан 1-курс талабалари таълим олади.
2. Институт ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чикишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.
3. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари қўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, харбий йиғин эса таътил вакти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун институт кенгашининг қарори билан фойдаланилади.
4. Ўкув режа асосида олий таълим муассасаси хар йили ишчи ўкув режасини тузади. Бунда институтга талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини саклаган ҳолда ўкув фанлари блоки хажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар хажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳамда аудитория юкламасининг умумий хажмини саклаган ҳолда, айрим семестрларда хафталик юкламалар ҳажмини эркин белгилаш хукуки берилади.
5. Талаба билимини баҳолаш рейтинг тизимига мувофиқ ўкув жараёни давомида амалга оширилади.
6. Битирув малакавий ишини бажариш муддатлари таркибига уни ҳимоя қилиш ҳам киритилади.
7. Хорижий тил фанининг охирги семестрларида битирувчи курслар учун қўшимча фанлар блоки ва танлов фанлари соатлари ҳисобидан хар хафтада 2 соатдан "Амалий инглиз тили" фани ўкитилади.
8. *Жисмоний тарбия ва спорт фани таркибида "Валеология асослари" курсидан 10 соат хажмда маъруза, 8 соат ҳажмда амалий машғулот ўкитилиши кўзда тутилади.
9. Ўкув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси хамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.
10. Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

**"Баҳолаш иши ва инвестициялар" кафедраси мудири** **и.ф.н. Л.Зойиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

KADRLAR BO'LIMI